



Ислом Нури

2084 марта кўрилган

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Аллоҳ таолога беҳад ҳамду санолар бўлсин! Унинг кўрсатиб берган Сиротул Мустаким – Тўғри Йўлида бардавом бўлиб, умматларини ҳам истикомат билан ҳаёт кечирришга даъват этган пайгамбаримиз Мухаммад Мустафога, аҳли байтлари ва саҳобалари ҳамда уларга истикомат билан пайравлик қилган барча мўмину мусулмонларга Аллоҳ таолонинг бекиёс дурудун салавоти бўлсин!

Аллоҳ таоло “Худ сураси”нинг бир юз ўн иккинчи оятида мана бундай марҳамат қилади: **«Бас, (эй Мухаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам), Сиз ва Сиз билан бирга тавба қилган зотлар ўзингизга буюрилган янглиг Тўғри Йўлда бўлинглар! Тугёнга тушмангиз! Албатта У Зот қилаётган амалларингизни Кўриб тургувчидир».**

Суфён ибн Абдуллоҳ Сакафий айтади: «(Росулуллоҳга) дедим: “Эй Росулуллоҳ, менга ислом ҳақида бир гапни айтингки, сиздан кейин у ҳақда бирор кишидан сўрамайин”. Росулуллоҳ дедилар: “Аманту биллах» «Аллоҳга иймон келтирдим» дегин-да, кейин, тўғри бўл (яъни, сиротул мустакимда бўл)”. (Муслим ривояти)

Ушбу ҳадисга Имом ал-Мунаввий мана бундай шарҳ беради: «Яъни, Аллоҳ таолонинг зикрини қалбингда ёдга олган, тилингда айтган холингда иймоннинг барча шаръий маъноларини ҳозирлаш билан У Зотга бўлган иймонингни янгила! Кейин, истикоматда бўл! Яъни, астойдил тоат-ибодат қилишда ва ношаръий амаллардан ўзингни тўхтатишда бардавом бўлгин! Ушбу икки маъно Аллоҳ таолонинг мана бу сўзида ўз ифодасини топган: **«Албатта: “Парвардигоримиз**



Ислом Нури

Аллохдир”, деб, сўнгра (Ёлғиз Аллохга тоат-ибодат килишда) тўғри - устивор бўлган зотларнинг...» (Фуссулат: 30)

Имом ал-Мунаввий сўзини давом этказиб айтади: Ушбу хадис Аллох таоло Росулulloх соллalloху алайхи ва салламга мархамат килган жавомиъулкалим (ўзи киска маъноси кенг сўзлар)нинг энг чиройлиларидан биридир. Зеро, бу икки калима; иймон ва исломдаги барча маъноларни ўзида жамлаб олгандир. Чунки, Исломнинг асоси бўлмиш тавхид биринчи жумла, тоат-ибодатларнинг барча турлари иккинчи жумла остига киритилгандир. Зеро, истикомат - тўғри бўлиш барча буйруқларга бўйсуниб, кайтарикларнинг хаммасидан сакланишдир.

Ибн Ражаб Ханбалий мазкур хадиснинг шархида дейдилар: «Истикомат: Сиротол Мустақимда юриш, у ўнгга хам чапга хам бурилмаган Тўғри Диндир. Бу зохиру ботин ибодатларни килиш ва хамма кайтарикларни тарк килишни ўз ичига олади. Бас, ушбу васият диннинг барча хислатларини жамлади».

Истикоматга юкоридаги таърифдан бошқачарок таъриф берганлар хам бор. Баъзи олимлар истикоматга: “Барча гўзал хулқлар билан зийнатланиб, Мухаммад соллalloху алайхи ва салламнинг суннатларига эргашишдир”, деб, таъриф берадилар. Бошка баъзилари эса: “Бидъатни тарк этиб, суннатга эргашишдир”, дейдилар. Истикомат - тўғри бўлиш “У нафсни Куръон ва хадисларда баён килинган гўзал хулқлар билан безантиришдир”, деб, айтгувчилар хам бор». (Файзулкадир: 4/ 523)

• Истикомат - тўғри бўлишга берилган энг гўзал таъриф Умар ибн ал-Хаттоб розияллоху анхунинг таърифларидир:



Ислом Нури

«Истикомат - тўғри бўлиш тулкилар каби айёрлик қилмай, буйруқ ва қайтарикларни бажаришда тўғри бўлмогингдир». У зот розияллоху анху ушбу таърифларида, ибодатларини тулкиларга ўхшаб, айёрлик - найранг билан қиладиган кимсалар хақида сўз юритадилар. Ундайлар гоҳо Тўғри Йўл устида бўладилар, вақти келганда эса, Тўғри Йўлнинг икки томонидаги нотўғри йўлларга бурилиб, хаё пардасини йиртиб, Аллох таоло харом қилган судхўрлик, зинокорлик, арокхўрлик, зулм, гийбат, чакимчилик, риё, мутақаббирлик ва шулар каби кўпдан-кўп гуноҳ ишларни хотиржам, бепарволик билан қиладилар. Яна, баъзи бир сасабларга кўра Тўғри Йўлга ҳам кириб қоладилар. Орадан кўп ўтмай, нафслари уларга гуноҳ ишларни зийнатлаб кўрсатса, Тўғри Йўлни тарк этиб, нафслари зийнатлаб берган йўлларга кириб ҳам кетаверадилар. Шу билан бирга улар ўзларини Тўғри Йўлда эмасликларини била туриб, одамлар олдида ўзларини "Тўғри Йўлда бардавом - чин мусулмон киши" қилиб кўрсатмоқчи бўладилар. Уларнинг бу қиликлари эса, тулкиларнинг "найранг"идан асло фарқ қилмайди. Бундай найрангбозликдан Аллох таоло Ўзи паноҳ берсин!

Юқоридаги сўзлардан хулоса чиқариб айтишимиз мумкинки: «Аллох таоло Росулulloх соллalloху алайхи ва саллам ва у кишига эргашганлардан талаб қилинган Тўғри Йўлда бардавом бўлиш - бу "Пайгамбар Мухаммад соллalloху алайхи ва саллам ўз умматларига беками-қўст таълим бериб кетганлари - Ислом таълимотига огишмай амал қилишдир"».

Тўғри Йўлда бардавом бўлганларга Аллох таолонинг ваъдаси

Аллох таоло Ўзининг Улуг Китобида айтади: **«Албатта: "Парвардигоримиз Аллохдир", деб, сўнгра (Ёлғиз Аллохга тоат-**



Ислом Нури

ибодат килишда) тўғри - устивор бўлган зотларнинг олдиларига (ўлим пайтида) фаришталар тушиб, (дерлар): “Кўркманглар ва гамгин бўлманглар. Сизларга ваъда килинган жаннат (хушхабар) билан шодланинглар! Бизлар хаёти дунёда ҳам, Охиратда ҳам сизларнинг дўстларингизмиз. Сизлар учун (жаннатда) кўнгилларингиз тилаган нарсаларингиз бордир ва сизлар учун у жойда истаган нарсаларингиз бордир. (Бу) Мағфиратли ва Мехрибон Зот томонидан бўлган зиёфатдир”». (Фуссилат: 30-32)

Тўғри Йўл - Сиротул Мусатақимни танлаган, ёмонликка буюрувчи нафсларига қарши туриб, бу дунёдаги охирги соатларигача собитқадамлик билан Тўғри Йўл узра бўлган кишиларга Аллох таоло куйидаги беш хил башоратни ваъда қилди. Улар бу башоратларни бу дунёни тарқ этиб кетаётган охирги дамларида фаришталар томонидан қабул қилиб оладир.

1 - Ўлим ва ундан кейин бўладиган нарслардан кўркмаслик. Чунки, фаришталар дунёда улар билан бўлганларидек, охиратда ҳам улар билан бирга бўладилар.

2 - Бу дунёда қолаётган оила - аёллар, фарзандлар хақида асло гамгин бўлмаслик. Чунки улар Аллох таолонинг химоясидадирлар.

3 - Жаннатдан хушхабар. Аллох таоло бу дунёда истикомат билан хаёт кечирганларга жаннатни ваъда қилди. Аллох таоло ваъдасига асло хилоф қилмагай.

4 - Тўғри Йўлда бўлганларга бу дунёда ҳам, охиратда ҳам фаришталарнинг дўст бўлмоқлари. Истикоматда хаёт кечирган



Ислом Нури

шахслар бу дунёда фаришталарнинг химоясида бўладилар. Киёмат куни ҳам фаришталар улар билан бирга бўладилар.

5 - Жаннатга дохил бўлиш ўзи бир башорат бўлса, дохил бўлгандан сўнг кўнгил истаган нарсаларнинг барчаси мухайё бўлиб туриши яна бир башоратдир. У ерда жаннат ахллари нимани талаб қилсалар, ўша нарса уларнинг хузурларида ҳозир бўлмай.

* * *

Аллоҳ таолонинг мана бу сўзига диққат қилайлик: **«Бас, сизлар Унинг Ўзига тўғри (тоат-ибодатда) бўлингиз ва Ундан мағфират сўрангиз»** (Фуссилат: 6) бу оят буюрилган истикоматда камчиликнинг содир бўлиши ва камчилик ўрнини қоплаш учун мағфират сўраш кераклигига ишора қилмоқда. Демак, камчиликни тавба ва истикоматга қайтишни такозо қилувчи истиғфор билан қоплаш зарур экан.

Азиз ўқувчи, сўзимизга хулоса ўларок шуни айтамыз: "Албатта истикомат - Тўғри бўлиш нафс хохламайдиган, малоллик билан қабул қиладиган ишдир. Лекин пайгамбаримиз Муҳаммад мустафо соллаллоху алайхи ва салламга умматликни даъво қилар эканмиз ҳарбиримиз истикомат билан ҳаёт кечирмоққа ҳаракат қилмоғимиз шарт. Нажот фақат истикоматдир. Аллоҳ таоло барчаларимизни Ўзининг Тўғри Йўли узра бардавом бўлмоққа муваффақ айласин!

Абу Муҳаммад ибн Сирож тайёрлади.